

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАДЖАБОВА САБОҲАТ БОБИРОВА**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА**  
**МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**  
**(1991-2020 йй)**

**07.00.01- Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Раджбова Сабоҳат Бобировна**

Сурхондарё вилоятининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий  
хаётида хотин-қизларнинг туганган ўрни (1991-2020 йй).....5

**Раджбова Сабоҳат Бобировна**

Роль женщин в социальной, экономической и культурной жизни  
Сурхандарьинской области. (1991-2020гг.).....27

**Radjabova Sabohat Bobirovna**

The role of women and girls of surhandarya region in the social and  
cultural life of society .....50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....54

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАДЖАБОВА САБОҲАТ БОБИРОВА**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА**  
**МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**  
**(1991-2020 йй)**

**07.00.01- Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз-2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2020.4.PhD/Таг 768 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тил (Ўзбек, рус, инглиз (резюме))да Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.terstu.uz](http://www.terstu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турсунов Сайпулла Парзуллаевич  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Тошкенбой Ражабович  
тарих фанлари доктори, доцент

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна  
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «6» 01 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@gmail.uz). Термиз давлат университети, тарих факультети (фаоллар зали).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. 122 рақам билан рўйхатга олинган. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: termizdu@gmail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 12 кuni тарқатилди.  
(2022 йил «22» 12 даги 17 рақамли реестр баённомаси).



*R. Xollikova*  
Р.Х. Холиқова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор.

*X. E. Xolmuminov*  
Х.Э. Холмўминов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, т.ф.н., доцент.

*T. P. Paradaev*  
Т.Р. Пардаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент.

## **Кириш (фалафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида бошланган мазкур ҳолат дунёдаги аёлларнинг ролини сезиларли даражада ўзгартирди, аёлларнинг ҳуқуқий мақомида туб силжишлар рўй берди ва гендер тенглиги ғояси одамлар онгини забт эта бошлади. Кўпгина давлатларда аёлларнинг роли бошқа кўплаб асрларга нисбатан сезиларли даражада ўзгарган. Шу боисдан хотин-қизларнинг гендер тенглиги тамойилига асосланган ҳолда фаолият юритишига кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида БМТнинг 1979 йил 18 декабрдаги Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги, 1997 йил 30 августдаги Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги тўғрисидаги конвенциялар қабул қилиниб, улар ўз мамлакатлари ва инсониятнинг равнақи учун аёлларнинг салоҳиятини тўла очиб беришларини таъминлашга қаратилган. Мазкур жараён хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини чуқур тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Дунёда тарихан шаклланган иқтисодий тизимларда аёлларнинг ижтимоий мавқеи ва ролларини ретроспектив таҳлил қилиш, ўтиш даври иқтисодиётида аёлларнинг ижтимоий роли функцияларини амалга оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш, яқин келажакда аёлнинг ижтимоий роли функцияларининг ривожланиш истиқболларини прогноз қилиш, замонавий жамиятда гендер тадқиқотлари ҳолатини баҳолаш, аёллар муаммолари пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, БМТ миқёсида жамият ҳаётида хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳужжатларни қабул қилиш, хотин-қизларни ҳимоя қилиш борасида ҳар бир ҳудуд доирасидаги ижтимоий муҳитдан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, давр талабидан келиб чиққан ҳолда уларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали такомиллаштириб бориш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қабул қилинган Тараққиёт стратегиясида хотин-қизларни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида гендер тенглик тамойилига асосланган ҳолда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб, барча соҳаларда хотин-қизлар ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, "...мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ манфаатларини, гендер тенглигини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди"<sup>1</sup>. Бу борада ҳудудларда тегишли йўналишлар бўйича хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий фаолликларини

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 247.

ошириш борасида қилинаётган ишларни ҳамда маданий ҳаётдаги ўзгаришларда аёлларнинг тутган ўрнини илмий таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5325 сон, 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотларни ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5667 сон, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4235 сон Қарори, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938 сон фармони, 2021 йил 28 майда қабул қилинган 2030 йилга қадар “Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси”<sup>2</sup>, бундан ташқари мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 60-сон Фармони<sup>3</sup>, 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-146-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини таҳлил қилиш борасида тарих, ижтимоий фалсафа, ҳуқуқшунослик, иқтисод соҳаларида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Мустақиллик йилларининг дастлабки йилларида бу борадаги тадқиқотлар санокли бўлиб, 2005 йилдан кейин хотин-қизлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ёритувчи илмий изланишлар ва адабиётлар сони кўпайиб борди. Шунга кўра Сурхондарё вилоятининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизлар

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-129-IV-сон Қарори <https://lex.uz/docs/5466673>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон //СҚ-129-IV-сон <https://lex.uz/docs/5841063>

фаолиятини ёритувчи адабиётларни икки гуруҳга ажратишимиз мақсадга мувофиқ саналади.

Биринчи гуруҳга мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар киради. Хусусан, ушбу йўналишда дастлабки илмий изланишларни бошлаган олима, профессор Д.А.Алимованинг кўплаб илмий мақолалари, монографиялари ушбу соҳанинг тарихшунослигини бошлаб берди. Д.Алимова ўзининг илмий изланишларида хотин-қизларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаолияти ҳамда уларнинг оила ва унинг мустақамлигини таъминлашдаги мавқеини белгилаб бериб бу борадаги ўз фикрларини тадқиқотларининг илмий натижаларида баён қилган<sup>4</sup>.

Тарих фанлари доктори, профессор Д.Б.Бобожонованинг илмий тадқиқотларида хотин-қизларнинг ижтимоий муаммолари, улар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда ишсизлик муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтилган<sup>5</sup>. Профессор Я.А.Абдуллаева ўзининг кўплаб илмий тадқиқотлари, мақолалари ва монографияларида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида аёлларнинг маърифий ва маданий савиясини ошириш масаласига, хотин-қизларнинг узоқ ва яқин ўтмишда босиб ўтган йўли, бу борада йўл кўйилган камчиликлар ва уларни одилонга ҳал қилиш масалаларига алоҳида тўхталган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича ўзининг керакли хулосаларини баён қилиб берган<sup>6</sup>.

Г. Ж. Фаниеванинг тадқиқотларида мустақиллик йилларида аёллар масаласини ҳал қилишда давлат сиёсати, бошқарув тизимида аёллар ўрни, Ўзбекистонда янги иқтисодий жараёнида хотин-қизлар омили, аёлларнинг оила ва ёшлар тарбиясидаги ўрни, хотин-қизлар миграцияси ҳамда улар ўртасидаги турли муаммоларни ҳал қилиш масаласига алоҳида тўхталган<sup>7</sup>.

Д. П. Атаева мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг мамлакатни модернизациялаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш омиллари, жамиятда аёллар мавқеини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар таҳлилига илмий изланишлари натижаларининг хулосаларида келтириб ўтган<sup>8</sup>.

Булардан ташқари кўпгина тадқиқотчи олима аёллар томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва уни химоя қилишда

---

<sup>4</sup> Алимова Д. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии: Дисс. ...докт.истор. наук. – Тошкент. 1991.–С. 285. Ўша муаллиф. Существуют ли гендерные конструкции в историографии Центральной Азии трёх эпох (колониальной, советской и современной). // Диалог со временем. 2010. Вып. 32. С. 212-223. <https://roii.ru/r/1/32.11>

<sup>5</sup> Бобожонова Д. Хотин-қизларнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, илм-фан тараққиёти ва инновацион ривожланишга қўшган хиссаси.//Ўтмишга назар. Махсус сон. Т. 2021. –Б. 13; Ўша муаллиф. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Абу Райхон Беруний номидаги ТДТУ, 1995. –Б. 37; Ўша муаллиф. Фан, маданият ва жамият тараққиётида аёлларнинг ўрни.// Илм-фан сарчашмалари. УРДУ. № 3. 2004.-Б. 47-49.

<sup>6</sup> Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). Монография.-Тошкент: Ижод дунёси, 2004; Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакистане в конце XIX –XX вв.(социально-политический аспект): Автореферат дисс...д.ра ист. наук. – Ташкент, 2005..

<sup>7</sup> Фаниева Г. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласи: янгича ёндашув, муаммолар ва ечимлар (мустақиллик даври 1991-2005 йй.): тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 2005.

<sup>8</sup> Атаева Д. П. Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни. Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс автореф. Нукус-2021.

давлат ва нодавлат тижорат ташкилотларининг ўрни, миграцион жараёнлар, экологик ҳолатнинг хотин-қизлар ҳаётига таъсири каби масалалар таҳлил қилинган<sup>9</sup>.

Хотин-қизлар масаласида ижтимоий фалсафа, ҳуқуқшунослик ва иқтисод соҳаларида ҳам катор тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, ижтимоий фалсафий йўналишда М.Холматованинг докторлик диссертациясида аёлларнинг оила маънавий муҳитини шакллантиришдаги ўрни, баркамол авлодни тарбиялашдаги аёлларнинг роли ва бу жараёндаги муаммолар, оилага хос умуммиллий кадриятларни фалсафий жиҳатдан тадқиқ этган<sup>10</sup>.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё тарихига бағишланган туркум монографиялар нашр қилиниб, унда жамият ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ҳамда фаол ҳаракати масалалари ҳам қисман бўлса-да ёритилган<sup>11</sup>.

Иккинчи гуруҳни хорижий давлатларда яратилган адабиётлар ташкил этади. Яратилган ушбу адабиётлар аёллар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг соҳалардаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган ислохотларни ёритишга қаратилгани билан эътиборга молик. Чет эл адабиётларида, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва уларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаолияти ҳақида АҚШлик эксперт Одра Шаллал ўзининг илмий изланишларини олиб бориб, керакли хулосаларини берган<sup>12</sup>. Гейл Тземах Леммон хотин-қизларнинг жамият бошқарувидаги ўрни ҳақида ўзининг тадқиқотларини олиб бориб, уларнинг бошқарув тизимидаги фаоллигини ошириш ва мазкур бошқарувда

---

<sup>9</sup> Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фан. номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.; Балтабаева М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2017 йиллар). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.; Шамсиева М. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни (1991-2010 йиллар). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019.; Турсунов А.С. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида урбанизация жараёнлари (тарихий таҳлил 1991-2010 йй). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) дисс. автореф. – Термиз, 2020; Туропова М.Т. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида демографик жараёнлар (XIX асрнинг иккинчи ярми- XX аср боши). Тарих фан. бўй. фал. док. (PhD) диссер. автореф. – Термиз, 2021; Назиров Б.С. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи (XX аср-XXI аср бошларида Сурхон воҳаси мисолида) Тарих фан. бўй. фал. док (PhD) дисс. автореф. -Термиз, 2022.

<sup>10</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари.: Фалсафа фан. докт. ... дис. автореф. –Т., 1998..

<sup>11</sup> Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996. Турсунов С., Қобулов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001. Турсунов С., Қобулов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Т.: Шарқ, 2004. Турсунов С. Шерободликлар. – Тошкент: А.Навоий Миллий кутубхонаси, 2007. Турсунов С. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: А.Навоий миллий кутубхонаси, 2006. Турсунов С, Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент: Фан, 2008. Турсунов С. Денов. – Тошкент: Фан, 2009; Тилаев Э.Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. ном. . диссер. Автореф. – Тошкент, 2010. Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. ном. дисс. автореф. –Тошкент. 2010. Мўминова Г. Сурхоннинг мухтарама аёллари. “Қарши”. 2009. Раҳимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида, 1991-2018 йиллар). – Тошкент: Янги нашр, 2019. С. Иноятова, Ф. Мухитдинова, М. Кенжаева. “Сурхондарё барчиноилари-Мустақиллик қалдирғочлари”. : Т.: 2021.

<sup>12</sup> Одра Шаллал. Мир стереотипов. Что мешает женскому предпринимательству?// [www.форбес.ру/форбесвоман/366607-мир-стереотипов-что-мешает-женскому-предпринимательству](http://www.форбес.ру/форбесвоман/366607-мир-стереотипов-что-мешает-женскому-предпринимательству)

эркин фаолиятини олиб боришини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган<sup>13</sup>. Бундан ташқари, Э.Хитнинг кўплаб илмий мақолаларида гендер тенглик ва жамиятда аёллар фаоллигини оширишнинг ўзига хос усулларига тўхталган.

Гёте университети профессори Аделхайд Зиверт-Штаудети ўзининг илмий изланишлари ҳамда мақолаларида аёлларнинг маданий соҳалардаги фаолияти ҳамда уларнинг таълим тизими соҳаларидаги улушини статистик таҳлил қилган<sup>14</sup>. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва унинг муаммоларини ҳал қилиш дунё олимларини эътиборга тортгани ҳолда уни ҳал қилиш йўллари борасида ҳам илмий тадқиқотлар тўхтаб қолмаганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон хотин-қизларининг ўзбек моделига асосан бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаол иштироки россиялик олимлар М.Гафарли ва А.Касаев томонидан ҳам ижобий ўрганилган<sup>15</sup>. Мазкур жараёни Сурхондарё хотин-қизлари фаолиятига тадбиқ этиш йўли билан кўплаб муаммоларни ҳал этиш орқали янгиланаётган Ўзбекистоннинг ривожига янги қадамлар қўйилиши айтиш ҳақиқат бўлиб, уни алоҳида тадқиқот даражасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги:** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТД-1 “ Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва маънавий маданият” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** 1991-2020 йилларда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ўрни масалаларини Сурхондарё вилояти мисолида очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Вилоятда хотин-қизлар мавқеининг ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва унинг дастлабки натижаларини манбалар асосида ёритиш;

хотин-қизларнинг бошқарув ва тадбиркорлик фаолиятида иштирокининг ортиб боришини тарихий нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш;

Сурхондарё вилояти саноатида хотин-қизларнинг ўрнини ижтимоий ҳолатдан келиб чиқиб манбалар асосида таҳлил қилиш;

вилоят хотин-қизларининг аграр соҳадаги фаолияти жамият бошқаруви ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаолиятини ўрганиш;

---

<sup>13</sup> Гейл Тземах Леммон. Why Aren't There More Women in the Labor Force Across the Globe? //Women and the Law. Levelling the Global economic Playing Field. New York. 2018. –Sh.44; Женщины предприниматели-не исключение, а реальность // ideanomics/ru/lectures/14831

<sup>14</sup> Edilhayd Zivert Schtaudete. Frau in der Kulterellen Entwicklung der Gesellschaft (Женщины в культурном развитии общества) /Международный семинар; Ташкент. 2006 г. 4-5 апреля. –Б. 114.

<sup>15</sup> Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 252. (Гафарли М, Касаев А. The Uzbek model of development: peace and stability - the basis of development. - Ташкент: Узбекистан, 2001. 252 п.) 6. Sheila Scraton and Anne Flintoff, ed. Gender and Sport: A Reader. – London: Routledge, 2002.

фан ва маориф тизими ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги иштирокини тарихий ҳолатдан келиб чиқиб ҳолисона таҳлил қилиш;

Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилган ҳолда керакли хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти** сифатида Сурхондарё вилоятининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда хотин-қизларининг иштироки белгиланган.

**Тадқиқот предмети**ни мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги мақоми ва иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги иштирокининг ўзгариши жараёнлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмийлик, тарихийлик, тизимлилик, муаммовий-хронологик, мантиқийлик, статистик, қиёсий таҳлил ҳамда сўровнома каби тарих ва социология фанларида умум эътироф этилган тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 90-йилларида республика иқтисодиётида юз берган пасайиш жараёни (тенденция) си натижасида вилоятда ишсизлик, 2015 йилдан бошлаб аёллар ўртасида меҳнат миграциясининг ўсиб бориши, хусусан, хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланувчи енгил ва озиқ-овқат саноатидаги иш ўринларининг қисқариши меҳнат билан банд аҳоли ўртасидаги гендер мувозанатининг бузилишига олиб келганлиги исботланган;

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол (актив) ижтимоий функцияларида янгича мулкдор, тадбиркор, норасмий бандлик субъекти иқтисодий фаолият турларининг кўпайишига олиб келиши бошқа томондан, иқтисодиётнинг ўтиш даври воқеликлари ва мавжуд эркакларнинг афзалликларига олиб келадиган мавжуд стереотиплар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, аёлларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат шароитларини ўзгартириш натижасида ўқитувчилик, ҳамширалик, фаррошлик каби "аёллар касблари" нинг шаклланишига олиб келганлиги далилланган

Сурхондарё вилоятида “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси, сиёсий партияларнинг Сурхондарёдаги ҳудудий бўлимлари каби нодавлат ноижорат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари натижасида тадбиркорликка оид ўқув курсларининг очилиши, кредит уюшмаларининг ташкил этилиши, уй-рўзғордан ажралмаган ҳолда касаначиликнинг йўлга қўйилиши натижасида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат бандлигини янада яхшилашга хизмат қилганлиги асосланган;

Сурхондарёда аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф қилиш мақсадида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, ҳар бир ҚВП лар қошида “Аёллар маслаҳатхонаси” ни ташкил этиш орқали чекка

кишлоқларда яшовчи хотин-қизлар саломатлиги ҳам назорат остига олиниши натижасида барча мутахассисликлар бўйича аёл шифокорлар сонининг кўпайиши, соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик фаолияти билан банд бўлган аёлларнинг умумий сонининг ортишига олиб келганлиги очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлардаги фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатида аёллар иштироки, оилавий тадбиркорлиги, оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёл маънавияти ва маърифати, хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига доир илмий хулосалардан Сурхондарё вилоятининг мустақиллик даври тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган хулоса ва таклифлар аниқланган;

Сурхондарё вилоятининг энг янги давр тарихини тадқиқ этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммоларини ўрганишга қаратилган давлат ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнида қўлланиши мумкин бўлган жиҳатлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий архиви, Сурхондарё вилояти архиви, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги жорий архивлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жорий архивлари жамғармаларида сақланаётган кўплаб ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот маълумотларининг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки жамият ривожиди хотин-қизлар масаласи билан боғлиқ янги ёндашувлар ва илмий йўналишларни яратиш вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, тарихий тадқиқот усулларини янада такомиллаштиришга ҳамда тарих фанини янги асосларда ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотда умумлаштирилган маълумотлардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ёзишда, олий ўқув юртлири талабалари учун янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда, шунингдек, хотин-қизлар масаласига оид семинар-тренинглари ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё вилоятининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тутга тутган ўрнига оид олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан;

Сурхондарё вилояти хотин-қизларининг ижтимоий, иқтисодий, илм-фан ва таълим соҳасидаги фаолиятининг йилдан йилга ўсиб бориши, маданий соҳаларда хотин-қизларнинг кенг қўламли фаолияти, шунингдек, аёлларнинг ёш авлод тарбияси, миллат маънавиятини ўстиришдаги ўрнининг ортиб бориши, миллий ҳунармандчиликни қайта тиклашда ҳунарманд аёллар

фаолияти тахлили хақидаги натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканалида 2022 йилнинг август ойида эфирга узатилган “Тарихий савол”, “Муборак масканлар” кўрсатувларининг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (O’zbekiston milliy teleradiokompaniyasi “O’zbekiston teleradiokanali” давлат унитар корхонасининг 2022 йил 22 августдаги 06-30-1359-сон маълумотномаси). Натижада тақдим этилган материаллар Сурхондарё вилоятида хотин-қизлар фаолияти тўғрисида янги илмий маълумотларни телетомошабинларга тўғри ва холис етказишда хизмат қилган;

Тадқиқот ишида келтирилган жамият ижтимоий-маданий ҳаётида хотин-қизларнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган фаолияти ва унинг тахлили юзасидан олинган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими ўзининг маънавий-маърифий тадбирларида фойдаланди. Шунингдек, тадқиқот иши натижасида олинган хулосалардан, унда илгари сурилган таклиф ҳамда тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорнинг вилоятда олиб борилган тарғиботида (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 14 сентябр 266 -сон далолатномаси).

Шунингдек, қўлга киритилган илмий натижаларнинг қўлланилиши кенг жамоатчиликда хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, ёш авлодни вояга етказишда аёлларнинг аҳамиятига оид билимларни такомиллаштиришга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 4 та, жумладан, 4 та хорижий журналларда, 7 та халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар тўпламларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Диссертациянинг мақсад, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, республика илм-фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

ахамияти очиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси тахлил этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни”** деб номланган биринчи бобида Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи **“Вилоятда хотин-қизлар мавқеининг ижтимоий жиҳатдан мустақамланиши ва унинг дастлабки натижалари”** деб номланган.

Мамлакат хотин-қизлари иқтисодий ислохотларни амалга оширишда халқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифат тизимининг барча соҳаларида ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси мамлакат хотин-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, халқаро аёллар ҳаракати ҳамда бошқа нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда.

1991 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлари кўмитасининг биринчи таъсис Конференцияси Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтди<sup>16</sup>. Анжуман Республиканинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган делегатлар иштирокида байрамона тарзда яқдилликда ўтказилиб, барча қонуний, меъёрий ҳужжатлар делегатларнинг билдирган таклиф ва эътирозларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасини ташкил этиш қарори қабул қилинди<sup>17</sup>. Мазкур қарор муҳокамадан ўтказилиб, қайта кўриб чиқилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан 1991 йил 23 февраль куни **“Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси”** ташкил этилди.<sup>18</sup> Сурхондарё вилоятида биринчи бор ташкил этилган хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида Бўритош Аминова 1991-1995 йилларда вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимида фаолият юритди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 мартдаги 86-сон **“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши аппарати, республика, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида хотин-қизлар ишлари ишчи органларининг тузилиши ҳақида”** ги қарорига асосан вилоятда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишда хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек бошқармалар, бирлашмалар, концернлар, уюшмалар, идоралар-корхоналар, ташкилотлар ҳудудий

<sup>16</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 34-варақ.

<sup>17</sup> Иноятова С., Мухитдинова Ф., Кенжаева М. “Сурхондарё барчинойлари-Мустақиллик калдирғочлари”: - Т.: 2021.-Б. 16.

<sup>18</sup> Фуломова Д.М. “Ўзбекистон хотин-қизлари мустақиллик йилларида”. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари: даврий тўплам. “Шарқ”. - Тошкент. 2000.-Б. 137-138.

бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлаш мақсадида 1995 йилнинг 24 мартида Сурхондарё вилояти ҳокимининг 101-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида хотин-қизлар ишлари бўйича ҳоким ўринбосари лавозими жорий қилинди<sup>19</sup>. Вилоят ва шаҳарларда иккитадан, туманларда эса биттадан жами 21 та кўшимча ҳоким ўринбосарлари учун штат ажратилди. Ушбу Фармонга мувофиқ Асия Одилжонова Тошмухаммедова Қумқўрғон туман ҳокими ўринбосари ва хотин-қизлар кўмитаси раиси, Шеробод тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб Гулсум Ўтаева тайинланди<sup>20</sup>.

1999 йил 17 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 117-сон “Ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида” ги қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида 1999 йилнинг 30 мартида вилоят ҳокимлигининг 94-сонли қарори қабул қилинди<sup>21</sup>. Оғир меҳнат турмуш шароитида меҳнат қилувчи хотин-қизлар асосан, Сурхондарё вилоятининг пахта тозалаш заводларида, “Сурхон-Ажанта” дори ишлаб чиқиш корхонасида, Ангор ва Денов туманидаги босмахоналарда, Сурхондарё вилоят Санитария эпидемиология станцияси, дизенфекциялаш идораларида, биолобораторияларда, Қумқўрғон туманидаги Сурхонпармалаш заводида, Жаркўрғон туманидаги Сурхонтекстиль ҳиссадорлик жамиятида, Темир бетон буюмлар заводида ва қатор оғир ва ўта оғир шароитда ишлаётган аёллар фаолиятини вилоят хотин-қизлар кўмитаси чуқурроқ таҳлил қилди<sup>22</sup>.

Хусусан, оғир меҳнат шароитида меҳнат қилаётган аёлларнинг сони аниқланиб, уларнинг иш шароити билан танишиб чиқилди. Шу даврда оғир ва ўта оғир шароитда меҳнат қилувчи аёллар Сариосиё туманида 39 нафарни, Бойсун туманида эса 42 нафарни ташкил этган бўлиб, шулардан, Шарғун шаҳар ғишт заводида ишловчи 9 нафар аёл, Сариосиё ижара босмахонасида 5 нафар аёл, Шарғун кўмир конида ишловчи 24 нафар аёл, Бойсун тумани санитария эпидемиология станциясида 25 нафар аёл, Соғлиқни сақлаш бўлимида 15 нафар аёл фаолият олиб борди. Денов туманида Сув оқова тизимида 4 нафар, туман соғлиқни сақлаш бўлимида 21 нафар, Санитария эпидемиологик станциясида 5 нафар, Хайробод пахта заводида 19 нафар, Денов пахта заводида 13 нафар, Пахта титиш фабрикасида 8 нафар, Ёғ экстракция заводида 37 нафар аёллар оғир ва ўта оғир меҳнат шароитида фаолият олиб бориб, уларнинг меҳнат шароити оғир даражада деб белгиланди<sup>23</sup>.

1999 йилда вилоятда жами 1701,8 нафар аҳоли истиқомат қилиб шундан 846.1 нафарини хотин-қизлар ташкил этган<sup>24</sup>. Турмуш шароити қийин аёллар

<sup>19</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 526-йиғма жилд, 8-варақ.

<sup>20</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимияти жорий архиви. Доимий ҳужжатлар фонди. М-10-49. 7-иш.67-варақ.

<sup>21</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, рўйхат-1, 1474-йиғма жилд, 104-варақ.

<sup>22</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, 1- рўйхат, 1474-йиғма жилд, 105-варақ

<sup>23</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 2002 йилги хотин-қизлар ва уларнинг меҳнат шароитига оид ҳисобот.

<sup>24</sup> Сурхондарё вилоят давлат Статистика кўмитасининг 1996 йилги ҳисоботи.

сони 1999 йилда 34192 нафар бўлиб, уларни ҳам касбга йўналтириш ҳамда ижтимоий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят ташкилотларида, жамоа хўжаликларида, муассасаларда (кичик бизнес ва якка тартибдаги фаолиятдан ташқари) тармоқлар бўйича ишловчилар сони 360 255 нафарни ташкил этиб, шундан 133 837 нафарини аёллар ташкил этди. Жумладан, 1999 йил вилоятдаги мавжуд 732 та ўзини-ўзи бошқариш органларининг 40 нафарини аёллар бошқариб, 82 нафари маъсул котиб. тармоқларда: саноатда 5053 нафар, қишлоқ хўжалигида 71521 нафар, ўрмон хўжалигида 100 нафар, транспортда 1132 нафар, алоқада 370 нафар, савдо ва умумий оқатланишда 1374 нафар, маиший хизмат кўрсатишда 577 нафар, соғлиқни сақлаш ва спортда 17877 нафар, халқ таълимида 27280 нафар, маданиятда 1808 нафар, молия тизимида 956 нафар, қурилишда 1615 нафар, илм-фанда 60, санъатда 139 нафар, моддий техник таъминотда 260 нафар, тайёрлов соҳасида 531 нафар, бошқарув органларида 2983 нафар, ахборот ва ҳисоблаш тизимида 25 нафар, геологияда 58, бошқа соҳаларнинг 176 нафарини аёллар ташкил этди<sup>25</sup>. Раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун кадрлар захирасини яратиш мақсадида турли соҳаларда фаол хизмат қилаётган хотин-қизларимиз касб маҳоратларини ошириб, қобилиятларига қараб лавозимларга кўтариш чоралари олиб борилди<sup>26</sup>.

Аҳоли сонининг ортиб бориши ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг камлиги туфайли вилоятда ишсизлик кўпайиб борди. Вилоятда аҳолининг меҳнат миграцияси, айниқса, аёллар ўртасида 2015 йилга келиб сезиларли даражада ўсди. Хусусан, мазкур йилга келиб вилоятда чет элга ишлаш учун кетганларнинг 6636 нафарини аёллар ташкил этди. Шунингдек, ушбу йилда четга ишлаш учун кетган аёлларнинг 1041 нафари доимий ишсиз бўлиб, 654 нафари олий маълумотли, 991 нафари эса ўрта махсус маълумотга эга бўлган. 2016 йилга бориб эса четга ишлаш мақсадида кетган аёлларнинг сони 7591 нафарни ташкил этди<sup>27</sup>.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи-“*Хотин-қизларнинг бошқарув ва тадбиркорлик фаолиятида иштирокининг ортиб бориши*” деб номланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, бутун мамлакатда бўлгани сингари Сурхондарё вилояти ҳудудида тадбиркорликни, жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди<sup>28</sup>.

<sup>25</sup> Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви. 1999 йил қабул қилинган “Аёллар йили” давлат дастурининг ижросига доир ҳисобот.

<sup>26</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 830-йиғма жилд, 8-варак.

<sup>27</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 2015 йилги хотин-қизлар ва уларнинг меҳнат шароитига оид ҳисобот.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари

Сурхондарё вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси 1995 йилда ташкил этилиб, натижада жами 5481 нафар аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имконият яратилди. Вилоятда ташкил этилган “Тадбиркор аёл” уюшмасига дастлаб Зумрад Хайитова рахбар қилиб тайинланди<sup>29</sup>. Зумрад Хайитова Сурхондарё вилоятидаги биринчи тадбиркор аёллардан бири саналиб, вилоят ҳудудида дастлабки акционерлик жамияти ташкил қилди ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштирди<sup>30</sup>. У 1993 йилда “Қумкўрғон савдо” ташкилотини ҳиссадорлик жамиятига айлантди. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар моҳиятини теран тушуниб, ўз ишини ҳаётда тўлақонли тарғиб қилган, эришган ютуқларини ҳукуратимиз юқори баҳолаб, 2000 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирлади.

1995-1996 йилларда республика миқёсида олиб қаралганда тадбиркор аёллар сонининг йил ҳисобига ўсиши Навоий вилояти бўйича 438 нафардан 516 нафарга, Жиззах вилоятида 144 нафардан 192 нафарга етган бўлса, Сурхондарё вилоятида эса 145 нафардан 178 нафарга кўпайганлигини кўриб ўтиш мумкин<sup>31</sup>. Вилоятда 1995 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб аёлларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор берилди. 1995 йилга келиб вилоятда жами 2845 та корхона иш олиб борган бўлса, айнан ўша йилнинг ўзидаёқ 6800 та объект хусусийлаштирилди ва бу объектларнинг ярмида аёллар фаолият олиб борди. Тадбиркор аёллар сафини янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий онгини ўстириш учун 1996 йилдан бошлаб Республика ҳамда барча вилоятлар миқёсида “Аёл ва бизнес” мавзусида семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди<sup>32</sup>. Шундай семинар 1996 йил 14-15 май кунлари Сурхондарё вилоятида ўтказилди. Ушбу семинарда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси Шарофат Норбоевалар қатнашиб, вилоятнинг энг илғор тадбиркор аёллари фаолияти билан танишдилар.

Вилоятда 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёллардан 63 нафарига жами 130,8 млн. сўм кредит берилди ҳамда тадбиркор аёллар томонидан 48 та янги иш ўрни яратилди<sup>33</sup>.

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра Сурхондарё вилоятида 1053 нафар тадбиркор аёллар фаолият олиб борди<sup>34</sup>. Уларга шу йили 9 миллиард 224 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу даврда тадбиркор аёлларга хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш учун имкониятлар

<sup>29</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 42-варак

<sup>30</sup> Турсунов С.Н., Тўхтаев А.Қ., Эшбоев Қ., Хўжаназаров А. Қумкўрғон тарихидан лавҳалар. “Янги нашр”. – Тошкент. 2019. –Б. 286-287.

<sup>31</sup> ЎзМА. М-37 фонд, 1-рўйхат, 2559-йиғма жилд, 133 варак.

<sup>32</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 13-фонд, 3-рўйхат, 148-йиғма жилд, 60-варак.

<sup>33</sup> Сурхондарё вилояти давлат архиви, 143-фонд, 13-рўйхат, 207-йиғма жилд, 31-варак.

<sup>34</sup> Сурхондарё вилояти хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йилги ҳисоботи.

яратиб берилди. Уларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида чет эл кредит линияларидан 26 миллиарддан ортиқ маблағ жалб этилди <sup>35</sup>.

Шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодий муносабатлар хотин-қизларнинг нафақат оилада, балки жамият ва давлат ишларида, иқтисодиётда ҳам фаол бўлишларини тақозо қилди. Сурхондарё вилоятида ҳам мустақиллик йилларида кўплаб тадбиркор аёллар ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Масалан, ташаббускор аёллардан бири Холмирзаева Ферузахондир. У 1997 йилда вилоятда биринчи бўлиб аҳолининг ташқи реклама, полиграфия ва дизайнерлик соҳасидаги талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш туфайли ўз мустақил ишлаб чиқаришини бошлади ва янги технологиялар асосида иш бошлади<sup>36</sup>.

Шу даврда 777 турдаги таклифнома ва ташрифномалар 2000 дан ортиқ қоғоз маҳсулотлари ва ташқи рекламаларнинг барча турларини ишлаб чиқаришга эришди. 21 киши доимий иш билан таъминланди. “Офис Арт Дизайн” номи билан машҳур корхонага асос солди. Корхона 2003 йилда 82, 3 млн. сўм миқдорида даромад қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 376,5 млн. сўмдан ошди. Республикадаги мавжуд тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизидан ортиқроғида хотин-қизлар раҳбарлик фаолиятини олиб борди<sup>37</sup>. Сурхондарё вилоятида тадбиркор аёллар сони йилдан-йилга кўпайиб, 2020 йилга келиб 7972 нафарга ортди. Вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёлларни икки гуруҳга ажратиш мумкин, биринчи гуруҳга йирик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёллар, иккинчи гуруҳга эса кичик бизнес билан банд хотин-қизларни киритиш мумкин. Хусусан, биринчи гуруҳда 625 нафар йирик тадбиркорлик билан банд аёллар бўлиб, улар Бандихон туманида 3 нафарни, Бойсунда 35 нафарни, Деновда 278 нафарни, Жарқўрғонда 3 нафарни, Қизирикда 3 нафарни, Олтинсойда 150 нафарни, Қумкўрғонда 105 нафарни, Термиз шаҳрида 6 нафарни ва Шўрчи туманида 12 нафарни ташкил қилди. Шунингдек, вилоятда кичик тадбиркорлик билан банд хотин-қизлар ҳам мавжуд бўлиб улар ишлаб чиқариш тармоқларининг турли бўғинларида фаолият олиб бормоқдалар. Кичик бизнесда фаолият олиб бораётган аёллар 6112 нафарни ташкил этди. Кичик бизнесда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар сони Музработ туманида 1719 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич бошқа туманларга нисбатан анча салмоқли бўлиб кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар Олтинсой туманида 211 нафарни, Шеробод туманида 598, Бойсун туманида 99, Бандихон туманида 25, Шўрчи туманида эса 550 нафарни ташкил этди<sup>38</sup>.

Хуллас, хотин-қизлар тадбиркорлигини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда, аёлларнинг иқтисодий

<sup>35</sup> Сурхондарё вилоят Марказий банк жорий архиви. Тижорат банклари томиндан тадбиркор аёлларга жалб қилинган маблағлар тўғрисида. 2018 йил 1 сентябрь ҳолати.

<sup>36</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 13-фонд, 31-рўйхат, 148-йиғма жилд, 51-варақ.

<sup>37</sup> Янги Ўзбекистон. 2020 йил 18 июль, –Б. 3.

<sup>38</sup> Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармасининг жорий архиви. 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботи

фаоллигини рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг юқори самара кўрсатаётганлигини айтиб ўтиш лозимдир.

Диссертациянинг **“Сурхондарё вилояти хотин - қизларининг иқтисодий ислохотлардаги ўрни”** деб номланган иккинчи бобда, вилоятнинг аграр ҳамда саноат тармоқларида аёллар фаолияти таҳлил этилди. Ушбу бобнинг биринчи параграфи- **“Сурхондарё вилояти саноатида хотин-қизларнинг ўрни”** деб номланган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Сурхондарё вилоятида саноат корхоналарини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Совет тузуми даврида вилоятда саноат корхоналари фаолияти бир ёклама бўлиб, асосан саноат маҳсулотларига дастлабки ишлов берувчи худудга айланиб қолган эди. Вилоят хотин-қизларининг саноат тармоқларидаги бандлиги тўғрисида сўзлаганда, 1999 йилга келиб улар саноатда хотин-қизлар сони 553 нафарни, транспортда 1132 нафарни, алоқада 370 нафарни ташкил қилганини кайд этиш керак<sup>39</sup>.

Республикада саноат тармоқларида хотин-қизлар улуши 2000 йилда 205,1 минг кишини ташкил қилиб, республикада саноат корхоналарининг фаолияти сусайиб бориши аёлларнинг саноат корхоналаридаги иш билан бандлик даражасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Шунингдек, 2005 йилда республикада саноаттармоқларида иш билан банд аёллар сони 169,4 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб уларнинг сони 153, 9 минг нафарга тушди. 2009 йилда саноатда хотин-қизлар улуши 137,7 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда республикада саноат билан банд бўлган хотин-қизлар сони 148,8 нафарга йетди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борганлиги рақамлар билан келтирилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда хотин-қизлар енг кўп фаолият олиб борган саноат корхоналаридан бири "Сурхонтекстиль" акционерлик жамияти ҳисобланади. Корхона 1984 йилда кичик иппиғирув фабрикаси сифатида иш бошлаганда унда меҳнат қилаётган ишчиларнинг 50% ни аёллар ташкил қилган. 1993 йилга келиб, мазкур ип йиғирув фабрикасида 600 нафарга яқин аёллар фаолият олиб бориб, шулардан 262 нафари оналик таътилида еди. Ўзбекистон Республикасида саноат ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаган ҳолда Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси томонидан 1993 йилда “Ўзбек енгил саноати аълочиси” кўкрак нишони жорий қилинди. Мазкур кўкрак нишон билан дастлаб акционерлик жамиятининг фаол ишчиларидан Хидирова Гулшод Тўхтаевна тақдирланди<sup>40</sup>. “Сурхонтекстиль” акционерлик жамиятида 1999 йилга келиб 1013 нафар хотин-қиз меҳнат қилди. Шулардан 718 нафарини болали аёллар ташкил этиб, улардан 442 нафари қисман маош тўланадиган таътилда бўлган. Ушбу жамиятда меҳнат қилаётган аёлларнинг фарзандлари учун 140 ўринли

<sup>39</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-фонд, 1-рўйхат, 478-йиғма жилд, 97-варақ

<sup>40</sup> ЎзМА, 43-Фонд, 1-рўйхат, 241-йиғма жилд, 71-варақ

“Камалак” болалар боғчаси ташкил этилди ва доимий ишчилар учун “Ором” овқатланиш ошхонаси ҳам доимий фаолият олиб борди<sup>41</sup>.

Бундан ташқари, Бойсун туманида ўз фаолиятини олиб борган “Ишонч” ҳиссадорлик жамиятида ҳам туман хотин-қизлари ўзларининг самарали фаолиятини олиб борган. Мазкур ҳиссадорлик жамияти қошида шойи тўқиш цехи ҳам ташкил этилиб, тумандаги 54 нафар хотин қизлар иш билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аёлларнинг саноат соҳасидаги фаолияти мустақилликнинг дастлабки йилларида йилдан-йилга қисқариб борди. 2017 йилга келиб республикада енгил саноат тармоқлари фаолиятининг кенгайиши натижасида, соҳада хотин-қизлар улуши ҳам ортиб борди. 2020 йилга келиб меҳнат бозорида жами банд аёлларнинг 14, 7 % и саноат тармоқларида фаолият юритиб келди. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ўсиши ҳисобига бу кўрсаткичлар янада ортиб борди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи *“Вилоят хотин-қизларининг аграр соҳадаги фаолияти”* деб номланган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ аёлларининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш бўйича етарлича мониторинг ўрнатилмаган эди. Чунки, ушбу даврда республиканинг иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги барқарорлигини юксалтириш муҳим масала ҳисобланди.

1997 йилда вилоятда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган хотин-қизлар сони 196,8 мингга ташкил қилди ва бу кўрсаткич 1998 йилда 189,4 мингга етди<sup>42</sup>. 1997 йил “Ўзбекистон Республикасида қишлоқ аёлининг турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ишлари олиб борилди<sup>43</sup>. Қишлоқ аёлларининг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ аёлларининг меҳнат шароитини енгиллаштириш ва уларни иш билан таъминлаш борасида вилоятда 3998 та маиший хизмат корхоналари ташкил этилди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорликда қишлоқларда яшайдиган аёлларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, уларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш мақсадида “Хотин қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш”, “Маърифат ва маънавият, таълим тарбия ва хотин-қизлар” дастурларини ишлаб чиқди. 1998 йил 22 апрелда “Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги фармон вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида қишлоқ хўжалигида эркин фаолият олиб боришни йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизлар учун кенг имконият яратди<sup>44</sup>.

Мазкур йилдан бошлаб вилоятда фермер аёллар сони йилдан-йилга ортиб борди. Хусусан, 2002 йилда вилоятда мавжуд 3438 нафар дехқон фермерларнинг 215 нафарини аёллар ташкил этган бўлиб, ушбу йилда

<sup>41</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви, 1091-жамғарма, 1-рўйхат, 830-йиғма жилд, 58-варак

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси. - Тошкент. 2009 йил. – Б. 68.

<sup>43</sup> Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 547-йиғма жилд, 149-варак.

<sup>44</sup> С.Н.Турсунов. Т.Турдиев. Денов. “Фан”. - Т. 2009 й. –Б. 266.

вилоятнинг кўпгина ҳудудларида деҳқон фермер аёллар фаолиятининг ташкил топиши ва кенгайтишига ҳар томонлама кўмак берилди<sup>45</sup>.

Шунингдек, Шеробод туманидаги ишбилармон аёллардан Н.Шоймардонованинг “Хамкон” деҳқон фермер хўжалиги ва С.Ҳабибраҳимованинг “Орифжон” фермер хўжаликлари ташкил этилди.<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси “Қишлоқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси” мавзусида 1998 йилда республикада конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференция доирасида вилоятлар кесимида жуда ҳам кўп тадбирлар амалга оширилди<sup>47</sup>. Ушбу йилда қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган жами 175472 нафар ишчи ходимлардан 74459 нафарини аёллар ташкил этди<sup>48</sup>.

